

TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda
asos solingan

2025-yil 31-may / SHANBA / № 38 (13799)

Diyoqimiz baxtiyorlari



▼ 1-iyun –
Xalqaro bolalarni
himoya qilish kuni



*Ko'xingda hech qachon
bo'lmasin hadik,
Yugurgin, qiyqirgin,
shodlikdan entik.
Seniki bu olam,
beg'ubor osmon,
Beg'ubor diyoqing
mangu tinch, ishon!*



Viloyat bo'ylab

Toshkent viloyati hokimi Zoyir Mirzayev O'RTA CHIRCHIQ tumani "Qaytmas" mahallasidagi 4 gektarlik "Kelajak yoshlari biznes inkubatori markazi" loyihasi bilan yaqindan tanishdi.

Loyihada issiqxona majmuasi, parrandachilik, quyonchilik, baliqchilik, asalarichilik fermalari tashkil etilgan. Shuningdek, kasb-koinikmalari bo'yicha tikuvchilik, sartaroshlik, qandolatchilik, payvandchilik, kompyuter injinerligi sohalarini o'z ichiga oladi.

TOSHKENT viloyatida 40 ta mikro GES quriladi. Shu maqsadda 6,59 gektar yer maydoni Energetika vazirligiga doimiy foydalanish huquqi bilan ajratib berildi.

NURAFSHON shahridagi markaziy o'yingohda futbol va mini-futbol turlari bo'yicha o'g'il bolalar va qizlar o'rtasida "DXX kubogi – 2025" musobaqasining final uchrashuvlari o'tkazildi. Hal qiluvchi bahslar murosasiz va ko'tarinki kayfiyatda bo'lib o'tdi. Musobaqa yakunida barcha ishtirokchilarga qimmatbaho sovg'alar, faxriy yorliq va diplomlar topshirildi.

OQQO'RG'ON tumanida "Farvon oila sari" oyligi doirasida sog'lom turmush tarzini shakllantirish va aholini bepul tibbiy ko'rikdan o'tkazish tadbiri tashkil etildi. Ko'rik davomida turli xil kasalliklar aniqlangan 37 nafar fuqaroga ambulator sharoitida davolanish uchun yo'llanmalar va bepul dori-darmonlar berildi.

Respublika Ishchi guruhi tomonidan **PISKENT tumanidagi** "Lolaariq" va "Navoiy" mahallalarida yashovchi fuqarolar bilan ommaviy sayyor qabul tashkil etildi. Qabul davomida murojaat etilgan masalalarning bir qismi joyida hal etildi. Muddat talab etuvchi murojaatlar bo'yicha esa tegishli choralar belgilab olinib, Prezident Administratsiyasi huzuridagi Xalq qabulxonasining tumanidagi bo'limi tomonidan qat'iy nazoratga olindi.

Паркент сойин боғлар муҳташам кўприк

Паркент тумани марказида қайтадан реконструкция қилинган марказий кўприк фойдаланишга топширилди.

▼ Бунёдкорлик



Мустақкам бўлсин деб, бўлсин деб раво,
Йўлсозлар юммади туну кун киприк.
Битдию кўзларни айлади ҳайрон,
Паркент сойин боғлар муҳташам кўприк.

Энди бўлмас ур-сур, бўлмас тирбандлик,
Кўнгилсиз ҳолатлар топади барҳам.
Ҳукм сурар йўлда тинч-хотиржамлик,
Ўтар юртда файзли йўгин, тўй-ҳашам.

Бу Юрт раҳбарининг шарофатидан,
Ва аҳил жамоа меҳнат, заҳмати.
Юрт ўсар дуолар ижобатидан
Йўлларга ёғилар кўплар раҳмати!

Усмон БЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

▼ Эҳтиром

Нурафшон шаҳрида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ташкил этилган куннинг 8 йиллиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.



МАСЪУЛИЯТ УЧУН МАСЪУЛЛАР

Байрам тадбирида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, вилоят прокуратураси, ички ишлар, солиқ бошқармалари бошлиқлари ҳамда Бюронинг вилоят ва ҳудудий бўлим раҳбарлари иштирок этишди.

Сўзга чиққан вилоят ҳокими 2017 йилнинг май ойида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Мажбурий ижро бюроси ўтган 8 йил давомида ўзига юклатилган вазифаларни муносиб тарзда бажариб, давлат раҳбари ва халқимиз томонидан Бюро органларига қўйилган талаб ҳамда билдирилган ишонч-ни юксак масъулият, садоқат билан оқлаб келаётганини таъкидлади.

Тантанали йиғилишда сўз олган меҳмонлар соҳа ходимларини байрам билан табриклар экан, улар томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар олиб борилаётганини қайд этишди.



– Ўтган йилларда соҳа ходимлари томонидан давлат ва фуқаролар манфаати учун самарали меҳнат қилинди, – дейди Бюронинг Тошкент вилояти бошқармаси жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот тармоғи раҳбари Дилфуза Олимова. – Биргина вилоятимиз мисолида оладиган бўлсак, шу вақтга қадар 52 триллион сўмлик ҳужжатлар ижроси таъминланди. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Айниқса, алимент қарздорлигини ундириш масаласида янгича ёндашув татбиқ этилиб, жараёнларни назорат қилувчи ягона ахборот



тизими ишга туширилди. Бу орқали 32 минг нафардан ортиқ алимент олувчи ва тўловчи ҳақидаги маълумотлар билан "онлайн" режимда танишиб бориш имкони яратилди. Шунингдек, вояга етмаган моддий ёрдамга муҳтож шахслар фойдасига жами 2,7 триллион сўм алимент маблағлари ундириб берилиши таъминланди. Муқаддам ўз иш ўрнини йўқотган ва қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилган 364 нафар шахс ишга тикланди ва уларга тўланмай қолган 44 миллиард сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Тадбир давомида, самарали меҳнат қилиб, ҳамкасбларга ўрناк қўрсатаётган бир гуруҳ ходимлар фахрий ёрлик, ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири






▼ Болалар ёзи – 2025

Аслида, оромгоҳлар дам олиш маскани вазифасини ўтаса-да, у ерда ўтказиладиган тадбирлар, таълим-тарбия жараёнлари ёш авлоднинг дунёқарашини бойитишга, ижодий қобилиятларини шакллантиришга, уларни ҳар томонлама камол топишига кўмаклашувчи тарбия манбаи бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, бу ерда болажонлар кун тартибига риоя қилиши баробарида бошқа тенгқурлари билан дўстлашиши, яъни ижтимоийлашув

Маълумотларга қараганда, вилоятда фаолият юритадиган оромгоҳлар сони 38 та бўлиб, шундан 17 таси Тошкент вилояти дислокациясига киритилган. Жорий йилда стационар оромгоҳларга 13 минг 570 нафар, таълим муассасаларидаги 144 та кундузги соғломлаштириш майдончаларига эса 27 минг 626 нафар болани қабул қилиш режалаштирилган.

Маълумки, оромгоҳ ва соғломлаштириш майдончалари болалар ва ўсмирларнинг бадиий-эстетик,



қўникмаларини ривожлантира олиши мумкин.

Бугунги кунда вилоятдаги барча болалар оромгоҳларида моддий-техник базани мустаҳкамлаш, шарт-шароитларни янада яхшилаш ва соғломлаштириш ишларини тўғри йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти Кенгаши бошчилигида масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб боришмоқда.

адабий, жисмоний тарбиясини шакллантиришга ёрдам беради. Бу эса миллий урф-одат ва анъаналар руҳини бола онгига синдириб боради. Баҳс ва мунозаралар нутқни раво қилса, қувноқлар ва зукколар мусобақаси тезкорликни ўргатади. Қисқача айтганда, қизқарли ўйин ва саёҳатлар, бола-ларбоп машғулотлар ўқувчиларни уч ой давомида таълим жараёнидан узоқлаштирмасликка хизмат қилади. Айни шу мақсадда 2025 йил ёзги оромгоҳларга 1 минг 131 нафар педагог ходимлар, болалар саломатлиги ва хавфсизли-

Мақтабларда ўқув йили тугаб, ўқувчилар ёзги таътилга чиқишди. Таътилда аксар ота-оналар фарзандининг мароқли дам олишини истаб, уларни ёзги оромгоҳларга юборади. Боиси, одатда бундай масканлар шаҳар чеккасида, экологик тоза ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу болалар саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга.

ОРОМ МАНЗИЛЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?



Жорий йилда стационар оромгоҳларга 13 минг 570 нафар, таълим муассасаларидаги 144 та кундузги соғломлаштириш майдончаларига эса 27 минг 626 нафар болани қабул қилиш режалаштирилган.

хизмат қилиши шаксиз. Қолаверса, жисмоний тарбия ва спорт йўналишида соғломлаштириш, оммавий спорт мусобақаларида ёшлар билимини янада оширишга эришилади.

Қуни кеча масъуллар томонидан оромгоҳларнинг тайёргарлик ҳолатлари кўздан кечирилди.

Хусусан, Бўстонлиқ туманидаги "Металлург" оромгоҳида 2025 йилги мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида ўтказиладиган ҳудудий семинарда масканлардаги мавжуд ҳолатлар таҳлил қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

Масъулларнинг таъкидлашича, гарчи жорий йилнинг 25 майига қадар оромгоҳлар мавсумга шай бўлиши керак бўлса-да, баъзи жойларда ҳали ишлар охирига етказилмаган. Жумладан, ҳудудлар ободонлаштирилмаган, чиқиндилардан тозаланмаган, камера ва ёриткичлар ўрнатилмаган. Фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда фойдаланиладиган ёнгин ўчириш бурчагидаги ўт ўчириш мосламаларининг муддати ўтган, керакли дори воситалари тахт эмас, баъзи оромгоҳларда эса зардобни сақлаш учун музлатгич ҳам йўқ.

Бу бўйича оромгоҳ раҳбарлари оғохлантирилиб, муаммони бартараф этиш учун вақт борлиги, мавсум очилишига қадар ҳамма нарсашай қилиниши кераклиги айтилди.

– Болалар орасида овқатдан

заҳарланиш, турли касалликларга чалиниш ҳолатларининг олдини олиш учун оромгоҳ ходимлари санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт, – дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи Суннатилла Йўлдошев.

– Ўранишлар давомида баъзи оромгоҳлардаги ичимлик сувлари ичиш учун яроқсиз эканлиги аниқланди. Хоналарни тоза сақлашдан тўғри овқатни тайёрлаш ва хаттоки идишни тўғри ювиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, тарқатмалар шаклида тайёрланди. Ходимлар буни иш жойларига осиб қўйишса, айна мудоао бўларди.

Албатта, бу камчиликлар 1

июнга қадар бартараф этилишига ишонамиз. Мақсадимиз қайсидир оромгоҳдаги камчиликларни ошкор қилиб, шов-шув кўтариш эмас, балки ёз мавсумида болаларнинг мароқли хордиқ чиқаришларини таъминлашдир. Болаларнинг ёз давомида саломатликларини мустаҳкамлаб олишлари, пировардида таътилни мазмунли ўтказишларига замин яратди. Токи, болалар оромгоҳдан фақат яхши таассуротлар билан қайтсин.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

▼ Ғамхўрлик

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 8 майдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бугун ногиронлиги бўлган фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЭШИКЛАР ҲАМИША ОЧИҚ

Биргина, Юқори Чирчиқ туманидаги "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази фаолияти кўмагида юзлаб инсонлар иш билан таъминланди. Ўз орзу мақсадларига етишларига замин яратилди.

Хусусан, тумanning "Чумчуқар" маҳалласида истиқомат қилувчи Амирхон Ғуломқодиров болалигидан банк соҳасида фаолият юритишни орзу қилган. Олдига қўйган мақсадига эришган бу иродали йигит бугун ўз салоҳиятини намойён эта олди.

– Ногиронлик бу чеклов эмас, балки ҳаётдаги синовларга қарши кураша олиш қобилиятидир, – дейди Амирхон. – Банк хизматларини бажариш чоғида қунига ўнлаб мижозлар билан суҳбатлашамиз, қонун доирасида кўмак берамиз. Уларнинг суҳбатидан шуни англаймани, соғлом кишилар қаторида бизга ҳурмат кўзи билан қарашди, мулоқотда бўлишди. Асосийси, соғлигимизда нуксон борлигига қарамай жамиятнинг бир бўлагига айлана олдик.

Спортчи Наима Иминжоннова ҳам "Инсон" маркази кўмагида Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий сифатида иш бошлади. У нафақат ёшларга спортнинг сир-асорларини ўргатмоқда, балки улар учун ҳаётдаги намуна, ирода ва шижоат тимсолига айланган.

– Ишга жойлашми биз учун орзу эди. Бугун эса жамиятда муносиб ўрин эгаллаб, инсон-



ларга фойда келтириш имкони берилгани катта бахт бўлди, – дейди Наима. – Президентимиз ташаббуслари ва "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази каби ташкилотлар орқали мен қабилярнинг ҳаёти ўзгармоқда. У орзуларимизга етишга кўп-рив вазифасини ўтамоқда.

Дарҳақиқат, бугун вилоятимизда 74 минг 657 нафар ногиронлиги бўлган шахслар бўлса, шундан 43 минг 256 нафари айна меҳнат қилиш ёшида. "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурига мувофиқ туман ва шаҳарлардаги "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ва касб-хунарга ўқитиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

– Ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш шўъбалари томонидан ҳудудлардаги тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларга соғлиғида нуксон бор инсонларни ишга олса қандай имтиёزلардан фойдаланишлари мумкинлиги тўғрисида маълумотлар бериб келинмоқда, – дейди Ижтимоий ҳимоя миллий Агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи

Мухайё Муҳайё Исмоилова. – Йил якунига қадар 2 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Мутахассислиги бўйича тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси электрон дастуридан 5 минг 286 нафар кишининг шакллантирилган бўлиб, 170 дан зиёд тадбиркорлар билан учрашув ўтказилган ва 700 га яқин иш ўринлари аниқланган. Ҳозирги кунда марказимиз ҳамда ижтимоий ходимлар ёрдамида 675 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлиги таъминланган, 211 нафари эса касб-хунарга эгаллаш учун йўналтирилган. Бу борада, асосан, Ўрта Чирчиқ, Тошкент, Янгийўл, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ ҳамда Паркент туманлари фаоллик кўрсатишмоқда.

Мухтасар айтганда, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази фаолияти нафақат иш билан таъминлаш, балки инсонларнинг ўз-ўзига ишончи ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу марказ орқали минглаб юртдошларимиз ўз имкониятларини тўлиқ намойён этиб, ҳаётда ўз ўрнини топишмоқда. Ҳақиқатан ҳам, имкониятлар эшиги ҳар доим очик, фақат унга ишонч, интилиш ва меҳнат билан қадам қўйиш кифоя.

Ўз мухбиримиз

ОҚ ХАЛАТ ОСТИДА ЮРАК БОР...

Бекободлик Инобат Алиева энди роҳат кўраман деганда юрак оғриғига дучор бўлди. "Осмон узоқ, ер қаттиқ", деганларидек, онахон касалликини даволаш учун талай маблаг кераклигини хомчўтлади. Аёл эмасми, рўзғори, бола-чақасининг ризқини бўлгиси келмади. Тошкент шаҳрига бориб даволанишга ҳам кам маблаг кетмайди. Шундай кунларнинг бирида пойтахтдан келган малакали мутахассислар дардига малҳам, жонига дармон бўлишди. Уни туман тиббиёт бирлашмасида жарроҳлик столига ётқизишди. Шукрки, Инобат опа амалиётдан сўнг ўзини бардам ва тетик тутмоқда.

▼ Эътибор

Дарҳақиқат, тиббиётни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида бугун катта сайёҳаракатлар олиб боришмоқда. Замонавий технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Бекобод туман тиббиёт бирлашмасида ўта мураккаб операция йўлга қўйилди. Республика кардиология марказининг юқори малакали мутахассислари ҳамда туман тиббиёт бирлашмасининг операция бригадаси иштирокида очик юракда аорта коронар шунтлаш амалиёти бажарилди. Авваллари бу каби жарроҳлик амалиётини бажаришни нафақат туманда, балки вилоят марказида ҳам тасаввур қилиш мушкул эди.

Мазкур жараён кардиохирургияда "олтин стандарт", дея эътироф этилади. Юракда коронар шунтлаш амалиёти – бу ишлаб турган юракда жарроҳлик амалиётининг бажарилишидир. Бошқа давлатларда бундай операциялар махсус аппаратларга улаб қўйилган ҳолда амалга оширилади. Яна бир гап, авваллари афғанистонлар йўлакиси ёки перфузиотор мутахассисларига эҳтиёж сезилган бўлса, бугун барчаси муҳайё.



Республика кардиология марказининг юқори малакали мутахассислари ҳамда туман тиббиёт бирлашмасининг операция бригадаси иштирокида очик юракда аорта коронар шунтлаш амалиёти бажарилди.

Албатта, 43 йиллик тарихга эга шифохонадаги бундай юқори малакали амалиёт тиббиёт тарихидаги яна бир бурилиш бўлди.

Бу биргина оилани эмас инсонлар ҳаёти, бутун халқ ишончини тиклаётган муҳим қадам ҳисобланади. Ўз наватидида, юртимиз тиббиётини даволатидаги ютуқ ҳам.

– Ҳозирги кунда бу каби сайёҳаракатлар "Инсон қадри" ғоясининг амалий исботи ҳисобланади, – дейди шифокор Алишер Меликулов. – Са-

баби 8-9 йил аввал юракка қон тикловчи мураккаб амалиёт пойтахтимизда санокли илмий-амалий марказларда амалга оширилди. Беморлар неча ойлаб навбат кутишар, аксарияти эса шифо излаб хорижга боришга мажбур бўларди. Бундай амалиётнинг вилоят, туман даражасида амалга оширилиши эса тиббиётни халқимизга янада яқинлаштирди десак, муболага бўлмайди.

Шу кунга яна бир бемор Боймирза Тошпўлатовнинг юрак ишмида касаллиги операция қилинди. Отаҳонининг ҳам ахволи қониқарли.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

▼ Эълонлар

"ЧИМГАН-ЧОРБОҒ МАГИСТРАЛ СУВ ТАЪМИНОТИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2025 йил 26 майдаги VII-13-70-10-0-К/25-сонли қарорига асосан, 2025 йил 1 июлдан истеъмолчиларга етказиб бериладиган ичимлик суви ва оқова хизматлари нархлари қуйидагича белгиланганини маълум қилади.

Т/р	Товар (иш, хизмат)нинг номи	Микдори	Нархлар ҚҚСсиз	Нархлар ҚҚС билан
Ичимлик суви етказиб бериш				
1	Аҳолига	1 м³	1 500	1 680
2	Бюджет ташкилотларига	1 м³	5 100	5 712
3	Улғуржи истеъмолчиларга	1 м³	5 100	5 712
Оқова сувлари чиқариш				
1	Аҳолига	1 м³	1 150	1 288
2	Бюджет ташкилотларига	1 м³	3 400	3 808
3	Улғуржи истеъмолчиларга	1 м³	3 400	3 808

Маълумот учун: ҳисоблаш ускуналари бўлмаган ҳолатларда совет сув хизмати бўйича тўловлар белгиланган тарифларга ошиб борувчи 1,5 коэффициентини таъбиқ этиши билан амалга оширилади.

Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси фуқаровий ҳуқуқий шартномаси асосида малакали ходимларни ишга қабул қилишни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Номзодлардан олий маълумотли ва камда бир йиллик иш стажига эга бўлишлари талаб қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уй. Тел.: (98) 369-00-47.

Тошкент вилоятининг гўзал ва тарихий ҳудудларидан бири бўлган Паркент тумани ўзининг бетакрор табиати, қадимий обидалари ва бой маданияти билан ажралиб туради. Афсуски, туманда ўз тарихини тўлиқ акс эттирувчи музей мавжуд эмас.

Дарҳақиқат, одатда бирор туман ё шаҳарда жойлашган музейлар сайёҳларга ўша ҳудуднинг тарихи ва маданияти ҳақида маълумот беради. Музейга ташриф буюрган меҳмонлар табиийки, маҳаллий рестороанлар, меҳмонхоналар ва дўконларга ҳам кирадилар. Миллий ҳунармандчилик намуналаридан харид қиладилар. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий иқтисодга ижобий таъсир кўрсатади, янги иш ўринлари яратилади ва аҳолининг даромади ошади. Бироқ, Паркентда бундай бино йўқ. Шу онда кўпчиликда "Музей очилгани билан у ерда сақлашга арзирли нарсалар борми?" деган савол туғилиши мумкин. Паркент – тарихий ҳудуд саналади. Шу вақтга қадар бу ердан кўпга қадимий буюмлар топилиган. Улар ҳозирда бошқа музейларни бебаъ турибди. Куйида туман тарихи, аниқланган топилмаларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Паркентми, Фаркат?

"Тошкент вилоятининг тоғли қисмидаги кўпгина жой номлари Фаргона водийсидан кўчиб келган аҳоли томонидан қўйилган, деган маълумотлар бор. Заркат (Заркент), Паркат (Паркент), Нанай, Бурчмулла, Чимён каби номлар шулар жумласидан", – дейди атоқли олим, географ Ҳамидулла Ҳасанов ўзининг "Ўрта Осиё жой номлари тарихидан" номли рисоласида.

Турли тарихий манбаларда ҳозирги Паркент номи "Паркат" эмас, "Фаранкат" "Фаранкад", "Фарнкас", "Барскат", "Фаркат" шаклида қайд қилинган.

Паркент тоғли ҳудуд бўлгани сабабли қадимдан бу ерда яшайдиган кишилар чиройли, пари сифатли, деб талкин этиб келинган. Шунинг учун баъзи манбаларда парикат ёки парикент, яъни парилар макони деб ҳам кўрсатилган.

Топонимист олим Б.Ўринбоевнинг ёзишича, суғд тилидаги "фар", "пар", "бар", "вар" сўзлари "юқори", "юксак" деган маънони билдиради. Шунга асосланиб, "Паркат" – "юқоридаги қишлоқ" дегани ҳам бўлиши мумкин. "Пар" қадимги эроний тилда "вар" – "қалъа" сўзининг талаффуз шакли ҳамдир.

"Номнинг биринчи тарихий қисми бўлган "пар" сўзининг илк шакли парак бўлган", – деб ёзади таниқли номшунос олим Зариф Дўсимов. – Айрим ўзбек шеваларида парак сўзи – "тўсиқ, девор", Паркент (Паркат) – "девор билан ўралган шаҳар" маъносини аниқлатади.

Шунингдек, қатор географ ва сайёҳлар ўз асарларида мазкур ҳудудга ҳам тўхталиб ўтишган. Хусусан, Араб географ олими Ибн Ҳавқалнинг "Китоб сурат ал-ард" ("Ернинг сурати китоби") асари хижрий 367, милодий 977-78 йилда араб тилида Сицилиядан ёзилган бўлиб, унда бутун Ислмо дунёсининг Х асрдаги географияси баён этилган ва хариталари чизилган. Асарнинг Мовароуннахрнинг "Шош ва Илок" вилоятлари қисмида аш-Шош шаҳарлари таркибидан Фаранкат шаҳри номи тилга олинган.

Тарихий аҳамияти юқори бўлган яна бир ноёб манба – 982-983 йилларда форс-тожик тилида номаълум муаллиф томонидан ёзилган "Худуд ул-олам" ("Дунёнинг ҳадлари") асарида "Фарнкас" топоними тилга олинган.

Мусулмон Шарқининг деярли барча мамлакатларида бўлган араб географи, сайёҳ Ал-Муқаддасий томонидан 989 йил ёзилган "Аҳсан аттақосим фи маърифат алақолим" ("Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма") асари ажам мамлакатлари (Хуросон, Сейстон, Мовароуннахр) тавсифланган бобида Фаранкад шаҳри номи келтирилган.

Араб сайёҳи Самонийнинг 1156 йилда Самарқанд шаҳрида ёзиб тугатган "Ал-ансоб" ("Нисбалар китоби") асарида Эрон ва Мовароуннахрдаги шаҳар ва қишлоқларнинг деярли барчаси ҳақида қимматли маълумотлар берган. Хусусан, Шош вилоятида "Барскат" шаҳри борлиги ҳақида ёзиб қолдирган.

▼ Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат


Яна бир сайёҳ-географ Ёқут Ҳамавийнинг 1224 йил ёзиб тугатган 14 жилдли топонимик асари "Муъжам улбулдон" ("Мамлакатлар лугати")да Мовароуннахр ҳамда Фаргона водийси шаҳар ва қишлоқлари оид маълумотлар орасида "Барскат" топоними қайд қилинган.

Юқоридагиларни инобатга олиб шарқшунос рус олими В.В.Бартольд Ўрта асрларда тилга олинган "Барскат" шаҳрини ҳозирги Паркент бўлса керак, деган хулосага келди. Барс – тоғ йўлбарси демекдир.

"Шаҳарча Бинкатдан 4 фарсах, Жаб-ғукатдан эса 2 фарсах масофада [Ибн Ҳавқал]. Баруйкат ва Адкат ёнида жойлашган [Худуд ул-олам]. Бу шаҳарча ҳозирги Паркент шаҳри ўрнида жойлашган бўлиб, унинг харобалари Ичқўрғон деб аталади", – дея таъкидлайди археолог, тарихчи, шарқшунос, профессор Михаил Евгеньевич Мас-

2023 йил давомида эса ушбу хазинадаги мис тангалардан 655 донасининг Самарқандда зарб қилинганлиги аниқланди. Бу тангалар безалишига кўра 11 турдан иборат бўлиб, уларнинг бир томонига араб ҳарфларида "зарб(и) Самарқанд" – деган ёзув туширилган. Бир қисмига эса араб тили ва ҳарфларида сўз билан зарб қилинган йили туширилган. Улардаги саналарга кўра, тангаларнинг 3 донасигина

барчаси қўлда, яъни куполчилик чархи ёрдамисиз ясалган. Идишларнинг устига қизғиш рандаги суюқ бўёқ суртилган. Топилган идишларнинг уч донаси бир балдоқли кўза, бир донаси икки балдоқли тувак, икки донаси бир балдоқли қадах, икки донаси коса ва бир донаси пиёла бўлиб, улар суюқлик қуйилиб, қабрга қўйилган. Афсуски, суюқликлар узоқ йиллар давомида парланиб йўқ бўлиб кетган. Фақатгина кўзалардан бирида



ЎТМИШИНГ БОР ЧИНДАН ҲАМ УЗОҚ...

сон, ўзининг "Оҳангарон. Археолого-топографик очерк" рисоласида.

Бундан ташқари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асарининг "Тўққиз юз еттинчи (1501-1502) йил воқеалари" бобида ҳазрат Ҳожаго Ҳожа (Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг ўғли) билан учрашиш учун Фаркатга келгани

ҳақида ёзади. Бу даврда Паркент тумани ҳудуди "Фаркат" деб аталиб, ерлари Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг авлодлари мулкида бўлган. "Тўққиз юз саккизинчи (1502-1503) йил воқеалари" бобида эса Аҳсидан Султон Аҳмад Танбал ҳужумидан омон қолиш учун саккиз киши билан йўлга чиққани,

яқинда бир ўзи қолгани, йўлда икки отлик учраб хизматига киргани, улар Бобурни Фаркат йўли орқали Тошкентга олиб келишгаётганида йўл қамал қилингани сабабидан Ҳўжанд йўли томон юришиб, бахтли тасодиф туфайли Андижонга омон қайтгани баён қилинган.

Ҳофиз Таниш ибн Муҳаммад Бухорийнинг (XVI аср) "Абдуллонома" асарида Тошкент шаҳрининг Кўкча, Фаркат, Шибли, Самарқанд, Туркистон, Регистон номли дарвозалари номи учрайди.

"Паркат" топонимининг Фаркат тарзида адабиётларда учрашини географ олим, топонимист Э.М.Муразаевнинг "Араблаштиш даврида "п" ҳарфини "ф" тарзида ёзилиши натижасида келиб чиққан" – деган мулоҳазаси билан ифодалаш мумкин.

Ҳозир ҳам кўпгина аҳоли пунктлари маҳаллий халқ тилида ҳамон бундан минг йилча олдингидек Заркат, Паркат, Пискат, Ҳўжакат, Ҳазалкат каби талаффуз қилинади. 30-йилларда "кент" компонентига нисбат берилиб, улар Заркент, Паркент, Пискент шаклида ёзиладиган бўлди. Бу ҳам икки атаманинг аслида бир эканлигини кўрсатади.

Ҳозир ҳам кўпгина аҳоли пунктлари маҳаллий халқ тилида ҳамон бундан минг йилча олдингидек Заркат, Паркат, Пискат, Ҳўжакат, Ҳазалкат каби талаффуз қилинади. 30-йилларда "кент" компонентига нисбат берилиб, улар Заркент, Паркент, Пискент шаклида ёзиладиган бўлди. Бу ҳам икки атаманинг аслида бир эканлигини кўрсатади.

Ҳозир ҳам кўпгина аҳоли пунктлари маҳаллий халқ тилида ҳамон бундан минг йилча олдингидек Заркат, Паркат, Пискат, Ҳўжакат, Ҳазалкат каби талаффуз қилинади. 30-йилларда "кент" компонентига нисбат берилиб, улар Заркент, Паркент, Пискент шаклида ёзиладиган бўлди. Бу ҳам икки атаманинг аслида бир эканлигини кўрсатади.

"ЯНГИ САНГАНАК" ХАЗИНАСИ

2021 йилнинг 11 март куни Паркент тумани "Янги Санганак" маҳалласида яшовчи Имомали Боймақов Темурийлар тарихи давлат музейига ўз ховлисида қазииш ишларини амалга ошираётганида ичига мис тангалар солинган сопол кўзага дуч келгани ҳақида хабар беради. Археолог олимлар томонидан олиб борилган бирламчи қидирув ишлари натижасида тупроқлар орасидан яна бир қанча сопол буюмларнинг парчалари йиғиб олинди. Тангаларнинг сони 1 минг 810 донга бўлган.

Тангаларнинг бир қисми зангдан тозаланиб, ўрганилганда улар XV-XVI асрлар, яъни, ўзбек давлатчилигининг Темурийлар ва Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Самарқанд, Бухоро ва Тошкент зарбхоналарида зарб қилинган мис тангалар хазинасидан иборат эканлиги маълум бўлган.

хижрий 823 (милодий 1420) йилда яъни, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида зарб қилинган. Катта қисми эса хижрий 898-900 (милодий 1493-1495) йилларда Темурий шаҳзода – Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғли Бойсунғир Мирзо Самарқандни бошқарган пайтларида зарб қилинган.

Қолганлари Темурийлар тахтини эгаллаган Шайбонийхон даврида зарб этилган. Қизиги шундаки, ўрганилган тангаларнинг ҳеч бирида ҳукмдор номи қайд этилмаган. Ушбу тангалар Самарқандда XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларида тез-тез

сут қаймоғининг кукун шаклидаги қолдиқлари сақланган. Ўрганишларга кўра, қабр ва ундаги топилмалар II-VI асрларга тегишли бўлган.

2024 йилнинг июнь ойида шу маҳалланинг шимолидаги йўлнинг қирилиш жараёнида тасодифан қадимги даврга оид қабр қолдиқлари аниқланган. Бирламчи ўрганишлар натижасида ушбу ҳудуддан суюқ бўлақлари ҳамда зангланган темир қилич топилиган.

Қазималар давомида йўл устида ер сурши ишлари олиб борилаётган вақтда ҳосил бўлган ўра аслида ерости дафн хонаси (катакомба) эканлиги маълум бўлган. Мутахассислар томонидан бу ердан дафн буюмлари, темир қилич, бронза узук, сопол идиш ҳамда муҳр топилиган.



ҳукмдорлар алмашиб турганлигини, деярли бир хил ўлчамдаги тангалар муомалга чиқарилганлигини кўрсатмоқда.

КУМУШКОНДАГИ ТОПИЛМАЛАР

2023 йил сентябрь ойида Паркент тумани "Кумушкон" маҳалласида яшовчи Бахтиёр Жўлановга тегишли хонадоннинг рўпараси – Бирдамлик кўчасига сув ўтказиш мақсадида олиб борилган қазииш ишлари чоғида 50 см. чуқурликда ўтов шаклидаги бўшлиқ очилиб қолган. Бўшлиқдан тўққиз донга сопол идишлар топилиган. Археологлар томонидан кўрсатилган жой текширилганда баландлиги – 1,5-1,6 метр, эни 1,8-1,9 метр, ички шифти гўмбаз шаклида бўлган ер ости қурилиши – қадимий қабр кўргони бўлгани аниқланди. Бу сод тупроқли қияликдаги ерости тупроғининг қазииш олиниши натижасида ҳосил қилинган "катакомба" (дафн хонаси) бўлиб, унинг ички тузилиши ўтов, тарҳи овалсимон шаклда.

Қабрнинг ости ер сатҳидан 2,4 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, жануб томонида "дромс" йўлига борлиги ҳам аниқланган. Эътиборлики, қабр асл ҳолатда сақланган. Унинг жанубида узунлиги 2 метр бўлган йўлак жойлашган бўлиб, унинг қабрга тушиш жойидаги оғзи тош ва гувалалар билан ёпиб қўйилган. Қабр-кўргонда уч марҳумнинг скелетлари ҳам аниқланган.

Қабрдан олинган сопол идишлар марҳумларни дафн этиш чоғида қабрнинг четларига қўйиб чиқилган бўлган. Уларнинг

қурилишининг умумий тури ва дафн маросимининг кўпчилигидан келиб чиққан ҳолда мутахассисларнинг тахминларича, ушбу қабр эрамининг I минг йиллигига тўғри келмоқда. Археолог олимларнинг айтишича, бундай қабрлар ўша даврдаги кўчманчи чорвадор аҳолига тааллуқли бўлган бўлиши мумкин. Ноёб топилмаларни ўрганиш мақсадида экспонатлар Й.Ғуломов номидаги Самарқанд археология институтини лабораториясига олиб кетилган.

ТОШ АСРИДАН ЁДГОРЛИКЛАР

Таъкидлаганимиздек, Паркент ўзининг узоқ ўтмиши билан фахрлана олади. Бу ҳудудда қадим замонлардан буён одамлар яшаб келган. Жанубий Чоққол тизмаларида ибтидоий одамлар яшаган ёрлар ва очик қамонлар аниқланган. Топилмалар қадимги тош асрга оид бўлиб, бу ерларда одамзод палеолит даврида пайдо бўлганини кўрсатади.

1885 йилда Туркистон археологсеварлар жамияти аъзоси ва Петербург археология комиссияси томонидан раҳбар қилиб юборилган профессор Н.А.Веселовский Номданак қишлоғи ҳудудидаги бир қатор тепаликларда қазииш ишларини олиб борган. Қазиишлар натижасида тепалик харобалари остидан Ўрта асрларга мансуб тураржой қолдиқлари ва уларда Бухархудо, Чигатой ҳамда Хитойда зарб этилган мис тангалар топиб ўрганилган. 1887 йилда Номданакдаги "Чиллақтепа",

"Чорлоқтепа" каби тепаликлардан XI асрга мансуб 325 та бутун, 123 та синган қумуш тангадан иборат "хазина" топилиган. Тангалар Ленинграддаги Давлат эрмитажига олиб кетилган.

1888 йил ҳудди ўша тепадан яна 116 та XI асрга оид қумуш танга топилиган. 1930 йилда археолог олим М.И.Массон раҳбарлигида Номданак атрофида бир қатор археологик тадқиқот ишлари ўтказилиб, "Оқтош" деб аталган жойда қадимдан оқ тошга ишлов бериб муҳр ясовчи устакхоналар борлиги аниқланган.

1934 йилда қадимшунос олим А.Мирмухамедов Бошқизилсойнинг юқори оқида жойлашган Невич қишлоғи яқинида қоятошларга ўйилган қадимий тасвирларни (петроглифларни) аниқлаган. А.Кабиров уларнинг батафсил таҳлили асосида 1969 йили 600 дан зиёд тасвирларни ажратган.

1963 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси археология институтининг Чоққол-Қурама гуруҳи томонидан Невич қишлоғи яқинида қора сланесдан силпиқланган тошқурол топилиган. Шу атрофда чакмоқ тош ясайдиган бир неча устакхоналар ҳам аниқланган. Қадимшунослар Белдирсой, Оқсўртасой, Қизилсой соҳилларида, шунингдек, Сўқоқ, Невич қишлоқлари атрофида ибтидоий овчиларнинг занжирсимон изларини кузатишган.

1980 йилда Паркент тумани маъмурияти илтимосига асосан, кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ҳозирги маъмурий бино жойлашган "Ичқўрғон" тепалиги шаҳарнинг энг қадимий қисми эканлиги аниқланган. Топилмаларнинг аксарияти IV-VI ва XI-XVI асрларга оид сопол буюмларни ташкил қилади. Уларнинг ҳудудий жойлашиши ана шу даврга келиб, ҳозирги Паркентнинг шарқий ва шимоли-шарқий қисмлари тўла ўзлаштирилганидан далолат беради.

1982 йили "Коинон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг "Невич" тажрибагоҳини қуриш жараёнида шу атрофда қадимги қабристон, қуроллар ва сопол буюмлар топилиган. Аниқланган ёдгорликлар бу ерда узоқ вақтлар давомида ибодат қиладиган жой мавжуд бўлганидан далолат беради.

Чирчик соҳилларида, Невич қишлоғи яқинидаги кўрғонларда ўтказилган қазув ишлари натижасида сопол оstdадонлар, мурдалар ёнига қўшиб қўмилган қуроллар, турли хил идишлар ҳамда зеб-зийнат буюмлари топилиган. Баъзи қабрларда қўрбонлик қилинган от ёки қўй суюқларини ҳам учратишган.

Ана шундай тарихий изланишлар, топилмалар ва фактларга қарамай шахристонлар кўйиб юборилиб, ўрнига бинолар қурилган. Сунгги йилларга қадар туман ҳудудидан топилиган барча тарихий ашёлар, осори-атиқалар турли мақсадларда олиб кетилган ва тақдирини номаълум қолмоқда.

ТАРИХИЙ МЕРОСНИ САҚЛАШ ЗАРУРИЯТИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Ўзбекистон тарихи давлат музейи филиали Тошкент музейида Тошкент вилояти Паркент тумани ҳудудидан топилиган миллоддан аввалги II-I асрларга оид катта-кичик бир балдоқли қадах (кружка)лар ва хурмачалар сақланмоқда. Бироқ, маълумотномада туманнинг қайси ҳудудидан, қайси йилда, ким томонидан топилиган, унинг тарихий мавқеи ҳақида сўз юритилмаган.

Юқорида санаб ўтганимиздек, туман ҳудудидан топилиган осори-атиқалар, ноёб буюмлар юртимизнинг турли гушаларидаги музей фондларида, архивларида қўлиб кетмоқда. Йиллар ўтиши билан топилма жойи рўйхатдан туширилиб, вилоят, воҳа номи кўрсатилиши ҳолатлари тобора кўп учрамоқда. Бу эса тарихий манзилнинг унутулишига, ўша жойнинг маданий қадриятлигига олиб келаётди.

Музей, бу тарихий меросни сақлаш ва келажак авлодларга етказиш учун энг муҳим востатадир. Унда қадимий артефактлар, тарихий ҳужжатлар, фото суратлари ва бошқа қимматбаҳо экспонатлар намоиш этилади. Музей орқали Паркентнинг тарихи кенг жамоатчиликка таништирилади ва бу, ўз навбатида, миллий ўзлигини англаш туйғусини кучайтиради. Агар музей бўлмаса, шундай бой мероснинг йўқолиб кетиши хавфи ортади.

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев "Қишлоқда бир кун" лойиҳаси доирасида Санганак қишлоғида ўтказилган учрашувда "2025 йил Паркент йили бўлади", – деган эди. Дарҳақиқат, туманда ўзгаришлар, аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган янги лойиҳалар бўй кўрсатмоқда. Бугун қилинаётган ҳар бир ҳаракат – кун келиб тарихга айланади. Паркент туманига музей қуриш нафақат зарурат, балки келажакка сармоя ҳамдир. Музей, туман тарихини сақлаш, туризмни ривожлантириш ва маданий марказ яратиш учун муҳим аҳамиятга эга. Умид қиламизки, келажакда Паркент ўзининг гўзал музейига эга бўлади ва туманнинг фахрига айланади.

Достонбек ШАРИПОВ,
ТДПУ тарих факультети талабаси,
Паркент туманидаги
26-мактаб ўқитувчиси

СЎЗ МАЙДОНИДАН СПОРТ МАЙДОНЛАРИГА

Нурафшон шахрида вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари Ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ижтимоий тармоқ фаоллари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

▼ Яхши ташаббус



Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамда вилоят спорт бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда иштирокчилар спортнинг енгил атлетика, шахмат-шашка, стол тенниси, волейбол ҳамда мини-футбол турлари бўйича ўзаро беллашди.

– Турнирни ўтказишдан асосий мақсад – аҳолини спортга жалб этишда ОАВ ходимларини намуна

қилиб кўрсатиш, – дейди вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Шаҳбоз Низомиддинов. – Мазкур мусобақадан сўнг журналист ва блогерларнинг спортга бўлган қизиқиши юқори эканига яна бир бор амин бўлдик. Шунингдек, ўйинлар турли ҳудудларда фаолият юритаётган журналистлар, блогер ва вайнерлар ўртасидаги муносабатнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда.



Таъкидлаш лозимки, бу галги мусобақада иштирокчилар сони сезиларли даражада ортди. Бу эса, ўз навбатида, ОАВ ходимларининг спортга ошно эканликларидан далolat. Беллашувлар давомида ижодкорлар ҳеч жабҳада кам эмасликларини исботлашди.

Яқунда ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совгалари топширилди.

Тақдирлаш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз
Жалолддин ЭСОHOV
олган суратлар



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAUQLOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Zikrilla MUHAMMAD

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 22.30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-535.

4 321 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektmetov tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tahir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

▼ E'lon

“MUSAFFO OBI HAYOT MAGISTRAL SUV TA'MINOTI” AKSIYADORLIK JAMIYATI

Xalq deputatlari Toshkent viloyati Kengashining 2025-yil 26-maydagi VII-13-70-10-0-K/25-sonli qaroriga asosan, Toshkent viloyatining Qibray, Toshkent va Yangiota tumanlaridagi “Toshkent shahar suv ta'minoti” AJning ichimlik va oqova suv tarmoqlariga to'g'ridan to'g'ri ulangan iste'molchilarning ichimlik suv ta'minoti va oqova suv xizmati tariflari narxlariga 2025-yil 1-iyul kundan boshlab o'zgartirish kiritilishini ma'lum qiladi:

AHOLI UCHUN:

Ichimlik suvi – 1 m³ – **1900,00 so'm**
(+12 foiz QQS bilan – 2128,00 so'm)

Oqova xizmati – 1 m³ – **1500,00 so'm**
(+12 foiz QQS bilan – 1680,00 so'm)

BYUDJET TASHKILOTLAR UCHUN:

Ichimlik suvi – 1 m³ – **8200,00 so'm**
(+12 foiz QQS bilan – 9184,00 so'm)

Oqova xizmati – 1 m³ – **2400,00 so'm**
(+12 foiz QQS bilan – 2688,00 so'm)

ULGURJI TASHKILOTLAR UCHUN:

Ichimlik suvi – 1 m³ – **8200,00 so'm**
(+12 foiz QQS bilan – 9184,00 so'm)

Oqova xizmati – 1 m³ – **2400,00 so'm**
(+12 foiz QQS bilan – 2688,00 so'm)

BOSHQA ULGURJI TASHKILOTLAR UCHUN:

Ichimlik suvi – 1 m³ – **1900,00 so'm**
(+12 foiz QQS bilan – 2128,00 so'm)

Oqova xizmati – 1 m³ – **1500,00 so'm**
(+12 foiz QQS bilan – 1680,00 so'm).

Men senda ko'p-da mehmon
bo'lmaganman, negadir meni
mehmon qilging kelmadi. Juda tez
xayrlashdik. Kelding-u ketding. Ang-
l olmay ham qoldim. Nima bo'ldi, nima
qo'ydi. Go'yoki tushday...
Seni maqtashadi. Shirin-shirin,

Nahotki sen ham ko'plab aziz-
lar kabi meni tark etding. Har safar
yig'lab qolyapmiz. Lekin odamlar
ko'z yoshimga emas, har safar ta-
bassumimga duch kelishadi. Kulib-
kulib yashayapman. Ha, sen meni
shunga o'rgatding. Yig'lab turib
kulishni o'rgatding. Diydamni qotirib,
yuragimni tosh qilib tashlading.

sam-u, ertalab u uyg'otsa. Tag'in
bir bora Maymanoqning tandirida
onam yopgan nonni suvga bo'ktirib
yesak... Orzuga ayb yo'q, deysan-
da! Qo'yaver. Biz ham bir orzu qil-
sak-qilibmiz-da. Eh, senda o'tgan
beg'ubor onlar... Sendagi beg'ubor-
likni saqlab qololmadim-da, g'ubor-
lar orasida g'ubor yuqib ketdi...

entikib-entikib, to'lib-to'lib, kulib-kulib,
sog'inib-sog'inib eslashadi. Ularga
havasim keladi. Ha, men ham senda
o'tgan baxtli kunlarni to'lib-to'lib, ko'z
yoshlarimni hech kimga ko'rsatmay
yutib-yutib eslayman. Qaylardasan
bolalik?..

QAYLARDASAN, BOLALIK?

Seni deb o'zim-da tosh, boshim-da
tosh bo'lib ketdi. Boshqa iloj yo'q.
Yashash kerak. Ko'p yashash ke-
rak, ko'p yashash kerak... Yash-
nab-yashnab, yashnatib-yashnatib
yashash kerak. Ha, shunaqa...

Sen bilan xayrlashganimiz-
gayam ko'p bo'p ketdi-da, o'ziyam.
Adashmasam, esimni tanigandan
keyin uch-to'rt yilgina mehmon
qilgandirsan. O'sha damlar baxtli
edim-da. Sakkiz-to'qqiz yoshim-
da sen bilan xayrlasha boshlagan
bo'lsak kerak. Aslida boshqalar-
ning o'sha damlari eng shirin payt-
lar. Bizning-chi? O'n bir-o'n ikki
yoshimda men ulg'ayib bo'lgandim.
O'zi kichkina, to'lachadan kelgan
bolacha-yu, fikran kishi edim. Le-
kin, sen bilan uzoq birga bo'lmagan
bo'lsak-da, eng yaqin qadrdonim
sensan. Aynan sen. Eh, oshnam-a,
oshnam...

Qaniydi, iloji bo'lsa-yu, bir kun-u
bir kecha mehmoning bo'lib, onam-
dan Go'rog'li bobomni-yu, qadrdon
ertaklarni bir bora tinglab, yana
onamning quchog'ida uxlab qol-

Esingda bo'lsa, “Katta
odam bo'lsan”, derdim.
Negadir, shu fikr xayolimni
o'g'irlagandi. Mana yuribmiz,
ja kattalar oldida zarra ham
bo'lmasak-da, harna kich-
kinagina odamcha bo'lib.
Katta shaharda, katta odam
bo'laman deb... Ulg'ayganing-
dagi ahvolingni qara. Yaxshi-
yam vaqtida xayrlashgan ekansan.
Bo'lmasa, kim biladi deysan, sen-
gayam g'ubor yuqib qolarmidi?

Bilasanmi, sen bor paytlar
mening adolatim, haqiqatlarim bor
edi. Adolat uchun yig'lab-siqtab,
mushtimni tugib, jillaqursa kurasha
olardim. Hech bo'lmasa, onam bi-
lan momonga arz qilish qo'lmdan
kelardi. Endi-chi? Kattalar dunyosi
mening xarxashamni ko'tarmaydi...

Send qo'y boqardik. Kengliklar
do'st edi. Dashtlar oshna. O'zimiz-
da keng edik. Yonimizdagilarda
dashtlardek bepoyon edi. Bag'ri-
miz shu darajada ulkan ediki, butun
olam sig'ardi. Hamma. U damlarda
yomonlik, razolat, adovat, kin, gina,

ko'rolmaslik, ig'vo, hasad – shu
ro'yxatda uzoq davom etishi mum-
kin bo'lgan biror nima xayolimiz-
da yo'q edi. Buloqdek toza edik.
Qishloq osmonidek musaffo edik.
Endi-chi? Keyin-keyin bari o'zga-
ra boshladi. Bir dumalab, boshqa
odamga aylandik. Qani edi, senda
bor narsalarni saqlab qololganimiz-



da, dunyo boshqacha, ha, boshqa-
cha bo'lardi!

Send maktab bor edi. Garchi
qoyillatib o'qimagan bo'lsak-da,
yaxshi damlar edi-da. O'qituv-
chilarning eng yomon ko'rgan,
ular “kaltaklashni yoqtiradigan”
o'quvchilar safida bo'lsak-da, ba-
ribir yaxshi edi-da. Negadir odam
sog'inadi. Qiziq... Muallimning
mehri kaltaklarini sog'inadi odam.
Balki, o'sha kaltaklar bizni tarbiya-
lagandir...

O, bizga vafo qilmagan ilk sevgi-
gi – “Birinch muhabbat”. Ijodkorlar
tarannum etadigan go'zal tuyg'u.
Baribir seni sog'inaman-da, bola-
lik... O'sha damlar ham senda edi.

▼ Tuyg'u

E, u “Bevafo qizchalar” ham biz-
ga o'xshab katta bo'lib, o'zlaricha
biz tengdoshlarini armonda qoldi-
rib, hammasi to'y bo'lib ketishdi.
Bizdan oldin bola bo'lgan yigitlar
ularning baxtli yori. Barisi baxt-
li bo'lib, armonsiz yashasin, ilo-
him... Bugun ularning farzandlari
bola...

Send kattalarni qiynaydigan
hech qanday muammo yo'q edi...
Tashvishsiz eding. Send kattalar-
ning o'yinlariga o'xshamaydigan,
beg'ubor o'yinlar bor edi. Nega ke-
yin bari o'zgarib ketarkin-a?..

Eh, o'zimiz changga botib
yursak-da yurak kir emasdi-da!
Bir-birimizga qum sepsak-da, biz
kattalardek choh qazimasdik-da!
Asosiysi qalb toza edi.

Send anhorda cho'milardik.
Endi qimmat havzalardan-da, u ro-
hatni topolmayapman. Sendagi an-
horlarning nimasi bor edi?..

Katta kishilar menga ulkan
ko'rinishardi. Endi bildimki, ular men
o'yilaganchalik emas ekan. To'g'ri
ulkanlari bor – ular qalbi daryolardir.
Lekin bundaylar kamchilik...

Send turli vahimali asotirlarni
bir-birimizga aytib qo'rqitardik. E,
ular katta bo'lib ko'rganimdagilar-
ning oldida hech ne ekan. Quruqqa
vahima qilgan ekanmiz! Biz eshit-
gan alvasti-yu jodugarlar hayotda
ko'rganimizdagilarga duch kelgani-
da dovdirab qolishardi. Ha, shu-
naqa ekan...

Qaylardasan?..

Sendan faqat xotiralarda qoldi. Shi-
rin xotiralarda. Tunlari vijdon uyg'ongan-
da esga tushadigan xotiralarda... Faqat-
gina shu bilan ovunib yuribman.

Yana kattaligim tutib, erincho-
qligim boshlanyapti. Fikrlarim chu-
valashib ketyapti. Yaxshisi issig'ida
xayrlashganing kabi, men ham tu-
gata qolay. Hamma narsaning ozi
shirin bo'lganidek, men-da qisqa
qilay...

Xayolimni bir fikr chulg'ayap-
ti: “Qaylardasan, bolalik?! Baxt-
lar uchun, dunyoda o'shanday
beg'ubor olam borligini ko'rsatga-
ning uchun, barcha-barchasi uchun
rahmat senga, bolalik!”

Zikrilla MUHAMMAD